

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
3 ноябрь
ШАНБА

№ 88 (13141)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТОВАР БОЗОРЛАРИДА САВДОНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада улгуржи ва биржа савдоси корхоналари фаолияти учун зарур ҳуқуқий асос яратилган, замонавий ахборот технологиялари жорий этилган ҳолда чакана савдо тармоқлари жадал ривожланмоқда, тадбиркорлик субъектларининг моддий-техник ресурслардан фойдаланиши кенгаймоқда.

Шу билан бирга, товар бозорларининг ҳозирги ҳолати, улгуржи ва биржа савдосининг ривожланиш даражаси замонавий талабларга жавоб бермайди. Савдо айланмасининг кенгайишига, ички бозорни ва ишлаб чиқарувчиларни зарур товарлар билан таъминлашга ҳамда республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишга тўқинлик қилаётган бир қатор муаммолар мавжуд, хусусан:

улгуржи савдонинг ривожланиши, кейинчалик қайта ишлаш учун ярим тайёр маҳсулотларни ва саноат маҳсулотларини, "бизнес учун – бизнес" (B2B) тамойили бўйича бошқа товарларни етказиб бериш тизими даража-

сининг пастлиги ҳўжалик юритувчи субъектлар транзакция харажатларининг ошишига ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлиги пасайишига олиб келмоқда;

тадбиркорларни, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини бозор нархларининг ноқулай ўзгариши оқибатларидан муҳофаза қилиш имконини берувчи фьючерслар, ҳосила молиявий воситалар ва биржа товарлари савдоси бошқа замонавий механизмларининг суи жорий этилиши натижасида операциялар ҳажми ва савдога чиқариладиган товарлар турлари чекланмоқда;

савдо субъектларининг устав капиталида давлат улушининг юқорилиги, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида эскирган чекловларнинг сақланиб қолилаётганлиги мазкур соҳаларда рақобат муҳитининг изчил ривожланишига тўқинлик қилмоқда;

Давоми 2-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти, энг аввало, унинг оғзаки ижоди – фольклор санъатида, дoston ва эпосларида мужассам толган бўлиб, улар миллиятнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади.

Ўзбек миллий бахшичилиги ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳўрмат ва эътибор туйғуларини кучайтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини

халқаро миқёсда янада кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Термиз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро бахшичилик санъати фестивалини (кейинги ўринларда Фестиваль деб юритилади) ташкил этиш ҳамда ушбу фестивалнинг биринчи марта 2019 йилнинг 5-10 апрель кунлари ўтказиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмак (кейинги ўринларда Ташкилий кўмак деб юритилади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давоми 2-бетда ➡

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига Холматов Рустам Қурбонназарович 2018 йил 29 октябрдан тайинлансин.

2. Ушбу қарор Халқ депутатлари

вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими **Ғ. ИБРАГИМОВ**

2018 йил 29 октябрь

Мамлакатимиздаги биринчи «ақлли шаҳар»



Бунёдкорлик

Республикаимиз харитасида яқиндагина Нурафшон деган шаҳар пайдо бўлди. Пойтахт вилоятининг маъмурий маркази Ўрта Чирчиқ туманига бўйсунувчи Тўйтепа шаҳри ўрнида қад кўтармоқда.

➡ 3



Президентимиз ўтган йили Тошкент вилоятига ташрифи чоғида шаҳар бош режаси билан танишиб, Нурафшонни мамлакатимиздаги биринчи «ақлли шаҳар»га айлантириш учун тавсиялар берган эди. Шундан келиб чиқиб, «Smart city» лойиҳаси дундаги йирик ва гўзал шаҳарлар, хусусан, Корея Республикасидаги Сонгдо шаҳри

қурилиши тажрибаси инobatга олинган ҳолда ишлаб чиқилди. Унда янги технологиялар назарда тутилган, «экошаҳар» тизими эътиборга олинган, миллий анъаналаримизга ҳам кенг ўрин берилган.

Эскисидан янги шаҳаргача бўлган оралиқни масофа эмас, вақт ўлчайди, ҳудуднинг кўринишини аҳолига яратилган қулайликлар

белгилайди. Вақт бу қадар кўп эмас, атиги бир йил. Имтиёзлар эса ҳар кунги ўз самарасини намоён қилмоқда. Янги шаҳарнинг жадал суръатлар билан барпо этилаётганлиги ўз-ўзидан манзилнинг эски номини одамлар хотирасидан кўтарди.

Давоми 3-бетда ➡

МАҚОМНИНГ ЖАҲОНИЙ ЖОЗИБАСИ

Санъат ва мусиқага ошнолик инсон маънавиятининг юксаклигидан далolat-дир. Мамлакатимизда адабиёт, санъат ва маданият ривожига берилаётган катта эътибор, хусусан, мақом санъатини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳара-

катлар самараси қисқа фурсатларда бўй кўрсата бошлади. Жумладан, вилоятимизда ташкил этилган мақом ансамбли фаолияти билан танишар эканмиз, эзгулик мевалари етилиб турган яхшилик дарахти кўз олдимизга келди.

Қарор ва ижро



«Дўрмон» маданият саройидан таралаётган латиф куй-қўшиқлар вужудимизни аллалаётгандек эди гўё.

Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач, Шамъ равшанроқ бўлур, торин паршон айлагач...

Буюк бобокалонимиз ҳазрат Навоийнинг ушбу сатрларига кўзингиз тушиши билан, қулоғингизга ажиб бир куй эшитилгандек бўлди? Гўё бир киши қуйлаётгандек туюлган бу мумтоз қўшиқни аслида Ўзбекистон халқ ҳофиз Сойибжон Ниёзов раҳбарлигидаги 30 чоғли хонандалар ижро этишаётган эди.

– Тўғри пайкабсиз, – деди ҳофиз биз билан суҳбатда. – Мақомнинг нозик жиҳати жўровозлик санъатини чуқур ўзлаштириш билан ҳам белгиланади. Уни эгаллаш учун бир хил фикрлаш, ҳис эта олиш – қисқаси, юрак уриши ҳам бир хил бўлиши керак.

Давоми 4-бетда ➡

Эътибор



Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида даволашнинг янги технология ва усулларини кенг жорий этиш, хусусан, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

МАРКАЗНИНГ ЯНГИ БЎЛИМИ

Яқинда Чирчиқ шаҳрида жойлашган вилоят кўп тармоқли тиббиёт Маркази қошида янги йирингли жарроҳлик бўлими ўз фаолиятини бошлади. Мазкур бўлим энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, бу ерда фаолият олиб бораётган малакали мутахассислар томонидан хасталикларни аниқлаш, самарали даволаш ҳамда беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилган.

Шуни айтиш керакки, шу кунгача вилоят тиббиёт бирлашмаларида махсус ихтисослашган бўлим йўқлиги сабабли, бундай тоифадаги беморлар даволаши учун фақат Республика йирингли жарроҳлик марказига мурожаат қилишга мажбур бўлишар эди. Эндilikда вилоятнинг шаҳар ва туманларидан келаётган беморларга марказнинг ўзида ёрдам кўрсатилиб, муолажа қилинади.

Юлдузхон ҒАЗЛИДДИНОВА

Бугуннинг гапи

КУЗГИ ШУДГОР – БОШҚАСИ БЕКОР

Жорий йилда вилоятимизда 89 минг 339 гектар ерда кузги шудгорлаш ишлари олиб борилади.

3



«Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси раҳбарияти диққатига!

Фуқаролар «ИНВЕСТ»дан нега норози?

Фуқаро А. Ҳасанова намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уйлاردан бирини олиш учун 25 фоизлик дастлабки бошланғич тўловни тўлаганига 2 йилдан ошди. Уйдан эса дарак йўқ...

Ҳаммасига "почта" айбдор!

Бекобод туманида истиқомат қилувчи фуқаро А. Ҳасанованинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига йўллаган мурожаатида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлардан

олиш муаммоси билан боғлиқ ҳолатлар баён қилинади. Хусусан, мурожаатда қайд этилишича, 2016 йил 15 июль кун А. Ҳасанова ва «Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси Тошкент вилояти филиали ўртасида дастлабки шартнома имзоланган. Вилоятнинг

Ўрта Чирчиқ тумани, Қўқонвул массивида 2017 йилда қурилиши режалаштирилган 6 сотихли уй-жой олиш юзасидан тузилган мазкур шартномага мувофиқ, фуқаро «Ипотека банк» акциядорлик тижорат ипотека банкнинг вилоят филиалида 53 миллион 500 минг сўмлик дастлабки тўловни амалга оширган.

– Адашмасам, 2016 йил ноябрь ойи эди, уйимизга вилоят «Қишлоқ қурилиш инвест» дан хат келди, – дейди А. Ҳасанова. – Хатда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қуриш тартиби ўзгариши, бу борада Президентимизнинг янги қарори қабул қилингани,

шу муносабат билан тезда вилоят инвестга боришимиз зарурлиги ёзилган экан. Бордик, билсакки, қарорга асосан эндilikда 4 сотихли 2 қаватномага мувофиқ, фуқаро «Ипотека банк» 4 сотих бўлса, 4 сотих-да, деб турсак, биз танлаган ҳудуддаги уйлар учун шартнома туганини маълум қилишди.

А. Ҳасанованинг: «Ахир, биз бошланғич тўловни банкка тўлаганимиз, энди уйсиз қолиб кетаверганимиз», деган саволига филиал мутасаддилари томонидан: «Эртaroқ ҳаракат қилиш керак эди, кеч қолдингиз», қабилида жавоб берилган.

Давоми 2-бетда ➡



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИТОВАР БОЗОРЛАРИДА САВДОНИ ЯНАДА ЭРКИКЛАШТИРИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни, шу жумладан, хорижий истеъмолчиларни мамлакатда ишлаб чиқарилаётган талаб юқори бўлган маҳсулотлар турлари ва ҳажмлари тўғрисида хабардор қилишга доир ишларнинг тизимли йўлга қўйилмаганлиги республика ичиди, шунингдек, хорижий ишлаб чиқарувчилар билан ишлаб чиқариш кооперациясининг ривожланишига тўқсунлиқ қилмоқда.

Савдо механизмлари янада такомиллаштириш, товарлар бозорига соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва харажатларини камайтириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

а) 2019 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларни:

улгуржи савдони амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш ва савдо корхоналарини солиққа тортиштириш махсус тартибини;

акциз солиғи солинадиган товарларнинг айрим турларини (автомобиль, ўсимлик ёғи ва бошқалар) сотишдан тушадиган тушумлар ҳисобини юритиш ва ундан фойдаланишнинг махсус тартибини;

қўйма савдо учун рухсатнома олиш талабини; давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналар контрагентлари билан ўзаро муносабатларда кечиктирилган дебиторлик қарзлар учун санкцияларни;

давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналар билан шартномалар бўйича ички бозорда олдиндан 15 фоиз тўловни амалга оширишга доир талабини;

1-иловага мувофиқ айрим турдаги товарлар экспортига чекловларни;

келишининг хабардор қилиш тартибини жорий этган ҳолда, маҳсулотларни биржа савдосига чиқариш жадвалларини Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган амалдаги тартибини; молиявий истеъмол кредитини ишлаб чиқарувчидан ёки реализация қилувчи ташкилотдан фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари (хизматлари)ни сотиб олиш учун бериш тўғрисидаги талабларни бекор қилиш;

б) 2018 йил 1 ноябрдан бошлаб қуйидагилар: товар-хон ашё биржаларига биржада сотиладиган маҳсулотларни сақлаш ва логистика қилиш, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича шўба ҳўжалик бирлашмаларини тўзиш; импорт бўйича олиб келинган юқори ликвидли маҳсулот турларини, эгаларининг хоҳишига қўра, ички бозорда, шу жумладан, биржа савдоларида чекловларсиз сотиш;

биржа савдоларида харид қилинган юқори ликвидли маҳсулотлар, хон ашё ва материаллар турларини сотувчи томонидан чиқариб юбориш

тўлов муддатидан келиб чиққан ҳолда биржаларнинг электрон тизими орқали қатъий белгиланадиган муддатлар ва навбатлар бўйича амалга ошириш тартибини белгилаш;

в) 2018 йил 1 ноябрдан бошлаб нақд пул тушумини топшириш ва ундан фойдаланишнинг қуйидагиларни:

энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан ортиқ миқдорда кунлик ўртача нақд пул тушуми бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар нақд пулни банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ёки мустақил равишда кунлик топшириш имконияти;

ушбу кичик банднинг иккинчи хатбошида қўрсатилган миқдордан кам бўлган кунлик ўртача нақд пул тушумига эга ҳўжалик юритувчи субъектлар нақд пулни банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ўзлари белгиланган даврларда ёки мустақил равишда топшириш имконияти;

қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда муқобил инкассация хизматларини ташкил этган ҳолда нақд пул тушумини фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг инкассация хизмати орқали топширишни бекор қилиш;

юримдик шахслар, шунингдек, яқна тартибдаги тадбиркорлар томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни олди-сотди шартномаларини тузмасдан инвойс (ҳисоб-фактура) бериш орқали корпоратив банк картотчаларидаги фойдаланган ҳолда амалга оширилишини назарда тутувчи тартибини жорий этиш ҳақидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

ҳалқаро тўлов тизими орқали тўланган ҳолда бутунжаҳон Интернет тармоғи орқали битта инвойс бўйича 5 минг АҚШ доллариғача товар (хизмат)ларни экспорт қилишда харидор билан ёзма шартнома тўзиш талаб этилмайди ва барча юридик ва жисмоний шахсларга умумқабул қилинган ҳалқаро амалиётга мувофиқ ҳисобот юритган ҳолда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига ахборот киритмасдан ҳамда почта алоқа хизматлари қўрсатиш қоидаларига мувофиқ юқнинг боххона декларациясини расмийлаштирмасдан амалга оширишга рухсат этилади;

2019 йил 1 январдан бошлаб товар-хон ашё биржаси аъзоларининг даромадларига қўйилган қўғозлар бозорига брокерлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар учун белгиланган солиққа тортиш шартлари татбиқ этилади; жисмоний шахсларга умумий қўймати 5 минг АҚШ долларидан қўп бўлмаган товарларни божхона декларацияси тақдим этмасдан Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга рухсат этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳўзурида 38 нафар штат бирлигидан иборат Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари маркази давлат муассасаси шаклида ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) номенклатураси ва турлари тўғрисида ҳўжалик юритувчи субъектларга ахборот бериш учун мунтазам янгилаиб бориладиган электрон-ахборот порталини яратиш;

ички ишлаб чиқариш қувватлари, товарларга

бўлган талаб ва таклифнинг ҳажмлари, шунингдек, ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган маҳсулотга ички бозорда нархларнинг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш;

товар бозорларидаги нархлар, талаб ва таклифларнинг ўзгариши динамикасини таҳлил ва мониторинг қилиш ҳамда шу асосида тегишли таклифлар тайёрлаш;

тармоқ бозорлар конъюктурасини республика ва ҳудудлар кесимида комплекс ўрганиш, уларнинг мувозанатли ривожланиши тўғрисида таклифлар тайёрлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси икки ой муддатда: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда республиканинг барча ҳудудларида семинарлар ўтказсан ва ҳўжалик юритувчи субъектларга биржа ва улгуржи савдо фаолиятини ташкил этиш бўйича зарур амалий ёрдам қўрсатилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда "Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси" АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини "Тошкент" республика фонд биржасида бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий таклифлар бериш орқали сотиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда МДҲга аъзо давлатларнинг монополияга қарши келишилган сиёсатини амалга ошириш тўғрисидаги Шартномани белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармон қоидалари ва тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қўшимча имкониятлар тўғрисидаги маълумотларнинг кенг ёритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳўжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳўжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбари Ш. Ш. Низомидинов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазир Ж. А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчисининг ўринбосари Г. К. Саидова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 30 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ
ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисида низом ҳамда Халқаро бахшичилик санъати фестивалини 2019 йилда ўтказиш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Ташкилий қўмитага (А. Арипов):

Фестивални ўтказиш бўйича белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Фестиваль совридорларига топшириладиган диплом, сертификат, ҳайкалчалар намуналарини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш вазифалари юклансин.

4. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш бўйича масъул этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги: Фестивалга хорижий давлатлардан таниқли фольклоршўнос олимлар, бахши, шоир, оқин ва жировлар, ижодий жамоалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва фахрий меҳмонларни таклиф этишда Маданият вазирлигига амалий ёрдам қўрсатсин;

Фестивалга ташриф буюрувчи меҳмонлар учун Маданият вазирлигининг бюртингомаларига биноан, Ўзбекистон Республикасига кириш визаларининг белгиланган тартибда консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

6. Маданият вазирлиги Фестивалнинг тантанали очилиш маросимини ҳар томонлама пухта ва бадий жиҳатдан бетакор усулда тайёрлаш учун юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорларни кенг жалб этсин.

7. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Термиз шаҳрида ободонлаштириш ва қўламзорлаштириш ишлари амалга оширилишини, Фестиваль ўтказиладиган саҳна майдонлари ва заллар талаб даражасида тайёрланишини таъминласин.

8. Маданият вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда:

Фестиваль доирасида Термиз шаҳридаги "Сурхондарё санъат саройи" давлат муассасаси майдони ҳудудида бахшичилик санъатига оид турли кўргазмалар, миллий соғлар ва либослар, хунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари, бадий ва ҳўжатли фильмлар, аудио ва видео дисклар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ва уларнинг сотуви ташкил этилишини;

Фестиваль дастури ишлаб чиқишли ва унинг Фестиваль ўтказилишидан уч ой аввал туризм ташкилотларига тақдим этилишини, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилишини;

Фестиваль веб-сайтини бир ой муддатда тайёрлаб, Интернет тармоғига жойлаштирилишини ҳамда мунтазам равишда янгиликлар, фотосуратлар, аудио ва видео материаллар билан янгилаб борилишини таъминласин.

9. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналардан қўп ажратиш чораларини қўрсин.

10. Белгиланган қўйилсинки, Фестивални тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳўзуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда ҳамда ҳўйимлик хайриялари ва қонун ҳўжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўплананди.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Фестивалга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 1 ноябрь

Бошланғич 1-бетда

– Хатни олишимиз биланоқ вилоят инвестга чопган эдик, – дейди А. Ҳасанова. – "Кеч қолдинг"и нимаси, деб суриштирсак, хат 10 кун аввал юборилган, лекин бизга кечикиб борган экан. Хуллас, айбдор топилди – почта! Ердам сўраб, борманган жойимиз қолмади ҳисоб. Бу орада вилоят инвестдан 2018 йилда қуриладиган кўнақларни берилиши ҳақида ваъда ҳам қилишди. Аммо, ваъдалигича қолди кетди. Шу-шу сарсонмиз.

Оққўрғонлик А. Раимқулов ҳам худди шундай муаммо сабаб ҳало-

сия беради ёки асосли равишда рад этади. Ёзма тавсияга асосан биз шартнома тузамиз. Ушбу тартибдан келиб чиқиб, А. Ҳасановага, аввало, туман комиссиясидан ёзма тавсия олиши лозимлигини қўп тушунтирганимиз.

Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 февралдаги 103-сонли қарори билан талабгорларга уй-жой учун ёзма тавсия бериш ваколати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан туман комиссиясига ўтказилди. Бу – жорий йилдан бошлаб ўрнатилган тартиб. Унгача бўлган

қаноатлантирилади. Яъни, туман ҳокимлиги томонидан "Тарикте-шар" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилган 4 сотихли намунали уйлاردан бири берилиши маълум қилинади. Шу куннинг ўзида фуқаро туман ҳокимлиги қўрсатмаси билан унинг бошланғич тўлови сифатида "Қишлоқ қурилиш банк"нинг вилоят филиалига 78 миллион сўм тўлайди. Бир ой ўтиб, туман комиссияси томонидан уй-жой учун ёзма тавсия берилади ва "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ инжиниринг компанияси вилоят филиалига

нома тузиш турли баҳоналар билан пайсалга солиб келинаётгани қайд этилади.

Ҳўш, энди нима бўлади? Юқорида баён этилган А. Ҳасанова билан боғлиқ тарих такрорланадими?

– Туманда уй-жойга бўлган талаб жуда юқори, – дейди Зағиота тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари И. Сайитқулов. – Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 26 сентябрь қуни ўтказилган кенгай-

"Рўйхат"га аниқлик киритиш мақсадида филиал мутасаддиларига юзланди.

– Зағиота туманида уй-жойга талаб юқори, улар сони эса чекланган, – дейди филиал бўлим бошлиғи Ж. Жуманиёзов. – Шу боис, ҳокимликда қўшимча рўйхат талаб этилади. Улар тасдиқлаган рўйхат бўйича фуқароларга шартнома берамиз. Кейинги рўйхат масаласига келсак, айни пайтда унга асосан шартнома бериб бўлмайди. Чунки, қўшимча уй-жой қуриш учун ер ажратиш бўйича туман ҳокимининг қарори қабул қилинмаган.

Мурожаатчиларнинг қайд этишича, рўйхат туман комиссиясининг ёзма тавсияси кетма-кетлигига асосан тузилмапти. Хусусан, Б. Содиқов комиссиянинг 40-сонли, Ю. Болибекова эса 24-сонли ёзма тавсиясини олган. Фуқаролар биринчи 44 талаб рўйхатга сиғмай қолгани ва кейинги рўйхатдан тушиб қолиш эҳтимолидан қўчимоқда...

Мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва муносиб турмуш шароити яратишга устувор аҳамият қаратилаётган, бу борада кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган бир пайтда вилоятда бундай ҳолатларга йўл қўйилаётгани кишини ажаблантиради.

Халқимиз андишани, истиҳолани юксак қадрлайди ва шунга амал қилади. Аммо, буни бошқача тушунадиган мутасаддиларга ҳам, афсуски, йўқ эмас. Мақолага асос бўлган мурожаат эгалари ҳам бу ишга осонликча қўп урмаган, минг истиҳоллага борган, андиша қилган.

Шундай экан, ҳаётий муҳим бу масалага қоқайди қараб бўлмайди. Ишонимизки, қўтарилган мавзуга бошқа тегишли идоралар ҳам эътибор қаратади ва фуқароларнинг уй-жой билан боғлиқ муаммосига ижобий ечим топилади.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
92А

Фуқаролар «ИНВЕСТ»дан нега норози?

ватини йўқотган. Фуқаронинг таъқиллашча, у ҳам 6 сотихли уй-жой олиш учун 2016 йилнинг ёзида 53 миллион 500 минг сўм бошланғич тўлов маблағини тўлаган. Ушбу ҳолат билан боғлиқ воқеалар изчиллиги ҳам юқоридагидан деярли фарқ қилмади.

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, вазиятни ўрганиш мақсадида "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ инжиниринг компанияси вилоят филиалига мурожаат қилдик.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 февралдаги "Ариза берувчи-уй қурувчининг 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ҳар бир туман ҳокимлиги ҳўзурида махсус комиссия фаолияти йўлга қўйилган, – дейди филиал бўлим бошлиғи Ж. Жуманиёзов. – Мазкур комиссия уй-жойга талабгорнинг мурожаатини ўрганиб чиқади ва ёзма тав-



вақт мобайнидаги воқеалар тафсилотини эса юқорида қайд этиб ўтдик.

Рўйхатларда
бормисиз?

Зағиота туманидан ҳам бир гуруҳ фуқаролар айна мавзуда ёзма мурожаат қилишди. Туманнинг "Нуррафшон" маҳалласи, Ўзбекистон овози қўчаси, 11-уйда доимий рўйхатда турувчи фуқаро Ю. Болибековнинг мурожаатларида ҳам худди шундай муаммолар қу-затилади. Хусусан, "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ инжиниринг компанияси вилоят филиали билан шартнома тузишга барча асослари борлиги, жумладан, бошланғич тўлов шакллантирилгани, туман комиссиясининг ёзма тавсияси мавжудлиги, шунга қара-масдан, филиал томонидан шарт-

бориб, шартнома олиши тушунтирилади.

– Ҳамма муаммо вилоят инвестга борган кунимиздан бошланди, – дейди Ю. Болибекова. – Филиал мутасаддилари туман ҳокимлигидан махсус рўйхат берилиши кераклигини рўхат қилиб, шартнома тузишмади. Сонда бор, санокда йўқ рўйхатни қидириб, икки идора ўртасида қўп сарсон бўлдик. Рўйхат, ҳали қурилиш бошланмади, каби турли важ-баҳоналар билан мана шу кунга ҳам етиб келдик. Ва билдикки, "Тариктешар"-да қурилаётган 44 та уй бўйича шартномалар тарқатиб бўлинган.

Туманнинг "Файз" маҳалласида истикомат қилувчи фуқаро М. Вахобова ва яна бир талабгор Б. Содиқовнинг мурожаатларида ҳам худди шундай муаммолар қу-затилади. Хусусан, "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ инжиниринг компанияси вилоят филиали билан шартнома тузишга барча асослари борлиги, жумладан, бошланғич тўлов шакллантирилгани, туман комиссиясининг ёзма тавсияси мавжудлиги, шунга қара-масдан, филиал томонидан шарт-

тирилган йиғилишида туманимизга қўшимча 48 хонадондан иборат 2 та қўп қаватли уй ва 26 та 4 сотихли уй-жой ажратилди. Бу бўйича тегишли ҳўжатлар тайёрланмоқда. Яқин кўнларда мазкур уй-жойлар қурилиши бошланади ва албатта, биринчи навбатда, ўша фуқароларга берилади.

Бир қарашда мурожаатчиларнинг уй-жойли бўлиш эҳтимоли юқори қўрғинади. Боиси, биринчидан, туманга қўшимча уй-жой қуриш учун рухсат берилган. Иккинчидан, туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган ўша рўйхатда мурожаатчилар номи қўрсатилган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, нисбатан кечикиб бўлса-да, ушбу фуқароларга уй-жой берилади. Албатта, бу бизнинг мавжуд вазиятга таянган хулосамиз. Мурожаатчиларнинг фикри эса бошқача.

– Вилоят инвестдагилар "Рўйхат ва яна рўйхат", дейишган-ди, – дейди Ю. Болибекова. – Энди рўйхатга етганимизда эса "Асоссиз", дейишяпти. Нима қилишни билмай ҳайронмиз.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида жуда қўп бор такрорланган

«АДОЛАТ БИЛИМДОНИ»

Куни кеча "Адолат" СДП вилоят кенгаши томонидан Ўрта Чирчиқ агросаноат касб-хунар коллежида партиянинг "Ватан келажиги – ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида "Адолат билимдони" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов



Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичлари қилиб, партия шаҳар ва туман кенгашлари раислари, вилоят "Оила" илмий-амалий тадқиқот бошқармаси вакиллари, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди.

Мазкур танлов ёшлар ўртасида ҳуқуқий, сиёсий таълим-тарбияни янада такомиллаштириш, жамиятда қонун устуворлиги ва барқарорлигига эришишда ёшларнинг иштирокини таъминлаш, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилгани билан аҳамият-лидир.

Танлов иштирокчилари нозомда белгиланган 1- ва 2-шартларда ўз сиёсий билимлари, илмга чанқоқлиги ҳамда гайрат-шижоатини намойиш этиб, коллеж ҳаёти, келажакдаги орзулари тўғрисида сўзла



Мамлакатимиздаги биринчи «ақлли шаҳар»

— Замонавий мегаполисга айланаётган шаҳримиз тобора гўзаллашиб бормоқда, — дейди Нурафшон шаҳри ҳокими Усмон Раҳимов. — Режаларимиз жуда катта. Бу ерда тез орада муҳташам иншоотлар, кўрам тураржойлар, ижтимоий соҳа объектлари, сўлим боғ ва хибонлар барпо этилади. Шаҳар марказидан оқиб ўтадиган анҳор бўйида эса аҳолининг ҳодик чиқариши учун барча қулайлик яратилади. Олдимизда турган бош мақсадимиз шаҳримизнинг 43 мингдан ортиқ аҳолиси ҳаётини янада фаровонлаштиришдир.

Бугун шаҳар марказий кўчаси атрофида жойлашган пасткам уйлар ўрнида етти қаватли тураржой бинолари қад ростлади. Яқиндагина ана шундай уйларнинг тўрттаси фойдаланишга топширилди. 160 хонадонда уй тўйлари бўлиб ўтди.

Янги хонадонлар кенг ва ёруғ. Замонавий иситиш тизими, «зангори олов», канализация, иссиқ ва совуқ сув, болалар майдончасига эга. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Энг қувонарлиси, тураржойлар ўз соҳибларига 20 йил давомида тўланадиган имтиёзли кредит асосида берилди. Бошланғич бадал ўртача 16 миллион сўмини ташкил этди, холос.

Ана шундай қулай ва шинам уйларида яшаш истагини бошланғич 1-бетда

ни билдираётганлар сони кўпайиб бормоқда. Йил охиригача яна 10 та замонавий уй қуриб битказилади. Яқиндагина фойдаланишга топширилган маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари ҳудуд кўрғига кўрк кўшиб турибди.

Шаҳар қурилишидан ҳеч ким четда қолаётгани йўқ. Аҳоли учун ажратилган ер участкаларида бош режа асосида яқка тартибдаги уй-жойлар бунёд этилаётган. Тадбиркор Рустам Ҳамидовнинг ташаббуси билан ташлангич ҳолатга келиб қолган бино ўрнида замонавий спорт мажмуаси қад кўтарди. Вилоят ёшлари марказини барпо этиш ишлари эса жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Нурафшон бугун катта қурилиш майдонида айланган. Иш эса жуда қизғин. Қурилиш техникалари бир зум ҳам тўхтагани йўқ. Бинокорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Натижада ҳудуд қиёфаси янгиланиб, замонавийлашиб бормоқда. Шу билан бирга, чет эл сармоялари ҳисобига, янги иш ўринлари очилаёпти. Ёруғ шаҳарда янги йўналишлар бўйлаб замонавий автобуслар ҳаракатланмоқда. Буларнинг барчаси, пировардида одамлар турмуш тарзи янада юксалишига хизмат қилаётди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ.
(«Халқ сўзи» газетасининг 2 ноябрь сонидан олинди)
Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар

Кишлоқ хўжалиги олимларининг қайд этишича, ерни кузда шудгорлаш баҳорда ҳайдалганига қараганда бир қанча афзалликларга эга.

Кузги шудгорда ўсимлик қолдиқлари, маҳаллий ва минерал ўғитлар тупроқнинг чуқур қатламига яхши кўмилади, касаллик тарқатувчи ҳашаротлар қирилиб битади, қиш давомида ёғинлар, яхоб сувлари ҳисобида тупроқда кўп микдорда нам тўпланади, шунингдек, тупроқ хоссалари яхшиланади. Кузда шудгор қилинган ернинг ҳосилдорлиги анча юқори бўлади...

Бу илмий ҳақиқатни халқимиз «Ер ҳайдасанг, куз ҳайда — куз ҳайдамансанг, юз ҳайда», деган мақолида ҳар тарафлама ифодалиб қўйган. Бободоҳонларимиз ўз тажрибасида ерни кузда ҳайдаш баҳоргига қараганда бениҳоя афзал эканлигига ишонч ҳосил қилганлар.

— Шундан келиб чиқиб, вилоятимизда кузги шудгорлаш тадбирларини уюшқоқлик билан, сифатли амалга оширишга алоҳида эътибор берилаяпти, — дейди вилоят Кишлоқ хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи Саидқарим Тулепов. — Ота-боболаримиз «Кузги шудгор — бошқаси бекор», деб бекорга айтишмаган. Тажрибадан маълум, ерини кузда шудгор қилмаган фермерларимизнинг хирмони юксалмаган, даромадидан барака қочган. Яхши ниятлар билан эккан уруғи униб чиққунча боши ташвишдан чиқмаган. Хали у касаллик, хали бу касаллик билан курашавериб, тинкаси қуриган. Минг машаққат билан меҳнат қилиб, қарзга ботган.

Кузги шудгорнинг яна бир аҳамияти шундаки, у туфайли, кўп йиллик бегона ўтларни 50-60 фоизгача камайтириш мумкин. Қолаверса, тупроқ дондорлиги ошади, сув ўтказувчанлиги ҳам мақбул ҳолатга келади.

Айтилиқ, ернинг маълум бир қисми ўрта ва оғир қумоқли механик таркибга эга. Бу майдонларга экилган чигитнинг униб чиқиши сусаяди. Ёўза эса ернинг қатқалоқ бўлиб қолишдан қучли зарарланади. Шунинг учун бу каби майдонларда илмиз чирши кузатилади. Ўсимлик нимжон бўлиб, яхши ривожлана олмайди. Пахта кечикади. Пахтанинг кечикиши эса қандай машаққатларга дучор этишини бу йилги мавсумда кўриб турибмиз.

Деҳқонлар фикрича, кузги шудгор сифатли ўтказилган далаларда ҳаёт эртароқ бошланади. Баҳорда ер тез этилади. Тупроқ озқаси ўсимлик ўзлаштира оладиган даражада мўтадиллашади. Шу туфайли экиш муддати 5-7 кун эрта бошланади, бу демек пахта ҳосили 10-12 кун эрта этилади. Гектар ҳисобидан ўртача 3-4 центнер қўшимча пахта ҳосили олиш имкони яралади.

Кузги шудгор фермер хўжалиги мутасаддиларидан юқори ташилотчиллики талаб этади. Чунки, ер музла-

гунча улгуриш керак. Ана ўшанда ернинг «дам олиш»и таъминланиб, самараси ҳам юқори бўлади. Демак, кузги шудгорнинг фойдасини англаган фермер ва мутахассислар куз ойининг ҳар бир кунидан, техникадан тўла фойдаланишга эришиши зарур. Яна шуни таъкидлаш лозимки, минерал ўғитлар билан ҳайдалган майдонларда ёғинлар тупроққа тўла сингийди.

Афсуски, айрим ҳолларда дала майдонлари шудгорланмай қолиб кетиши ҳам бор гап. Шу сабабли, бошқармамиз мутахассислари томонидан ёш фермерларимизга бу борада зарур тушунчалар бериб боришга катта эътибор қаратилаёпти. Уларни айрим тажрибали фермерларимизнинг дала майдонларига олиб бориб, шудгор ишларининг бориши, ернинг ҳолатига қараб

ўзига хос сир-асрорларини ўрганиб бораёлган. Иш бошлаган йилим дала шудгорлашни шахсан ўзи бош бўлиб назорат қилди. Ерни шудгорга қандай тайёрлашдан тортиб, эътибор қаратишим керак бўлган энг майда жиҳатларига эринмай кўрсатиб берди. Ўша йили ҳосилим баракали бўлиб, катта даромад кўрдим. Бу менга бир умрлик сабоқ бўлди. Айни вақтда дала майдонларимизда такрорий экинлар ҳосилини йиғиб олаёلمиз. Тез орада ерни шудгорлашга тайёрлаб, МХМ-140 русумдаги замонавий тракторимизда ҳайдовни бошлаб юборамиз.

— Шахсан мен кузги шудгор ҳосилининг 70 фоизини таъминлаб беради, деган фикрдаман, — дейди Чиноз туманидаги «Яллама миришкор даласи» фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Камбаров. — Раҳматли

та фермернинг ерини ҳайдашга баҳол қудрат кўмаклашамиз.

Кишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотларига кўра, жорий йилда вилоятимизда 89 минг 339 гектар ерда кузги шудгорлаш ишлари олиб борилади. Бу долзарб тадбирга пухта тайёргарлик кўрилади. Жумладан, ҳайдов тракторлари яна бир бор техник кўрикдан ўтказилиб, жорий таъмирланди. Шудгорлаш ишларини тизимли ташкил қилиш мақсадида 95 та отряд тузилди. Ёқилги таъминотида узиллишлар бўлмаслиги, механизаторларга қулай шароитлар яратиш чоралари кўрилади.

Бу ишга вилоят миқёсида жами 701 та техника жалб этилди. Тасдиқланган график ва меъёрлардан келиб чиқиб, шудгорлашни 40-45 см. чуқурликда ва бир текис, минерал ва органик ўғитлар солинишига эътибор қаратган ҳолда, сифатли ўтказиш юзасидан

КУЗГИ ШУДГОР — БОШҚАСИ БЕКОР



ҳайдов тартибини белгилаш, ўғитлаш, техникаларни сошлаш каби юмушлар билан бевосита таништириб бораёлган.

Вилоят Кишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан олинган маълумотларга кўра, ушбу тадбир вилоятимизда 25 октябрдан 27 ноябргача амалга оширилади. Айни шу мақсадда вилоят ва туманларда шудгор штаблари ташкил этилди.

— Бу мавсумда хўжалигимизда 30 гектардан ортиқ ер майдонида шудгорлаш ишларини олиб борамиз, — дейди Ўзбекистондаги «Самандар агро замин» фермер хўжалиги раҳбари Сардор Ҳўжамов. — Фермерлик фаолиятимни бошлаганимга аў йил бўлган бўлса, хали бирор марта ҳам кузги шудгорни ўтказиб юбормадим. «Ер ҳайдасанг куз ҳайда — куз ҳайдамансанг юз ҳайда», деган мақолнинг маъносини фермер бўлиб тушундим. Деҳқончиликда жуда катта тажрибага эга бўлган фермер Бекназар Бобоқулловнинг даласи хўжалигимиз билан ёнма-ён жойлашган. У кишини ўзимга устоз, деб биламан. «Офарин мойтепа» фермер хўжалигининг раҳбари бўлган бу кишидан деҳқончиликнинг

отам Рустамали Қаршибоев бутун умрини деҳқончилик билан ўтказганлар. У кишини ҳам отам, ҳам устозим, деб биламан. Отамнинг бир ўғити ҳеч эсимдан чиқмайди: «Ўзини ҳурмат қилган деҳқон, аввало, ерга меҳр қўйиши, ерни ўз вақтида боқа билиши керак». Кейинчалик бу сўзларнинг маъносини тушундим. Айни пайтда фермер хўжалигимиз 296 гектар ер майдонида эга. Шундан кузги ҳайдов олиб бориладиган майдон 160 гектарни ташкил қилади. Мавсумни юқори сифатда яқунлаш учун зарур моддий-техник базага эгаимиз. Шу кунгача 60 гектар ерни сифатли шудгор қилдик. Ҳар бир гектар учун 250 килограмм ўғит бериб бораёلمиз. Яқин кунларда ҳайдов ишларимиз ҳам тугайди. Шудгорни замонавий «Магnum — 255» тракторида бажаряёلمиз. Бу техниканинг бир қатор афзалликлари бор. Муҳими, у орқали бир мавсумда минг гектаргача майдонни ҳеч бир қийинчиликсиз ҳайдаб олиш мумкин. Нокматарликка йўйманг-у, отамнинг одатларини қилиб, кузги шудгор пайтида ёрдам сўраб келган фермерларга йўқ, демайман. Ҳар йили ҳудудимиздаги 15

жавобгарлик қучатирилди. Ҳар бир отрядга кўча таъмирлаш устaxonалари бириктирилиб, улар керакли эҳтиёт қисмлар, жиҳозлар ва малакали чилангар билан таъминланди.

«Тошкент Агрокимёхимоия» ҳудудий акциядорлик жамияти томонидан белгиланган тартибда тузилган шартномаларга мувофиқ, шудгорлаш даврида минерал ўғитлар бир маромда етказиб берилаёпти. «Қучлик» ва «Пахта» нефть корхоналарида ёқилгимошайш материалларининг зарур захираси яратилган.

Бундан ташқари, ҳар бир туман бўйича фермер хўжаликлари ва машина-трактор паркларининг мавсумда алоҳида ўртак кўрсатган ходимларига рағбатлантирувчи мукофотлар ҳозирланган. Шудгорда қатнашадиган ишчи ва хизматчиларга етарли шарт-шароит ва иссиқ овқат ташкил этилиб, ҳар беш кунда иш ҳақи бериб борилади ва бошқа моддий рағбатлантириш чоралари ҳам амалга оширилади.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди

**"Соғлом турмуш тарзини юксалтиришда
фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини
ошириш, унинг натижаларини оммавий ахборот
воситаларида кенг ёритишни қўллаб-қувватлаш"
мавзуида давлат гранти қўшимча танловини
эълон қилади**

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги ижтимоий мақсадларни амалга оширишни назарда тутган лойиҳалари қабул қилинади:

1. Аҳолининг кенг қатламларини (нуронийлар, ёшлар, аёллар ва бошқалар) жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш.
2. Маҳаллаларда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишига шарт-шароит яратиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қўмаклашиш.
3. Ёшларнинг уюшмаган қатламларини турли спорт тўғрисидаги, спорт мусобақаларига жалб қилиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш.
4. Тоғли, узоқ ва чегара ҳудудларида аҳолининг жисмоний тарбия билан шуғулланишига кенг шарт-шароит яратиш.
5. Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳалла ҳамда оиланинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш.
6. Давлат органлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда турли спорт тўғрисидаги фаолиятини йўлга қўйиш, эҳтиёжманд оилалар вакилларининг мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланишини таъминлаш.
7. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган кўргазмалар материалларини ишлаб чиқишда ижтимоий шерикликни кучайтириш.
8. Маҳаллаларда турли йўналишларда спорт ва халқ ўйинлари мусобақаларини ташкил этиш.
9. Илконияти чекланган ёшларнинг спорт билан шуғулланишига турли спорт соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш.
10. Соғлом турмуш тарзини қарор топти-

ришда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш.

11. Маҳаллаларда халқаро мусобақалар голиблари, республика чемпионлари ва спорт усталари иштирокида турли маънавий тадбирлар ташкил қилиш.

Давлат гранти танловида иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қулатув хати.
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси.
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.
- Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори 30 миллион сўмгача.
- Ҳужжатлар 2018 йил 26 октябрдан 28 ноябргача қабул қилинади.
- Ҳужжатлар «Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди» номига: 100163, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 43-уй манзилига «Ўзбекистон почтаси» орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.
- Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
- Маълумот учун телефонлар: (71) 239-26-76, 239-26-86.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди

**"Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат
ҳуқуқларини таъминлашда жамоатчилик
назоратини юксалтириш" мавзуида
давлат гранти қўшимча танловини
эълон қилади**

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги ижтимоий мақсадларни амалга оширишни назарда тутган лойиҳалари қабул қилинади:

1. Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини ва қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини, уларга рияз этилишини кенг тарғиб қилиш.
2. Мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш.
3. Меҳнат қонунчилиги талабларининг бажарилиши, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслиқ юзасидан аҳоли билан очик мулоқот механизмларини жорий этиш.
4. Уюшмаган, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлашга, уларни тадбиркорлик ва оилавий бизнеснинг турли шаклларида кенг жалб қилишга қўмаклашиш.
5. Давлат вакиллик органларининг фуқароларни кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялари билан ҳамкорликда жамоатчилик назоратини амалга ошириш.
6. Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш билан ҳамкорликда эришилган ижобий натижалар барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларига қўмаклашиш.
- Давлат гранти танловида иштирок этиш учун куйида-

ги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қулатув хати.
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси.
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.
- Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори 30 миллион сўмгача.
- Ҳужжатлар 2018 йил 26 октябрдан 28 ноябргача қабул қилинади.
- Ҳужжатлар «Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди» номига: 100163, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 43-уй манзилига «Ўзбекистон почтаси» орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.
- Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
- Маълумот учун телефонлар: (71) 239-26-76, 239-26-86.

ХУШЁР ОДАМ ҚОҚИЛМАЙДИ

Куни кеча Ангрен шаҳридаги 37-умумий ўрта таълим мактабида вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган Вазирилар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июлдаги баёни ижросини таъминлаш мақсадида «Диний муҳит ўзгарувчан чекка ва чегара олди ҳудудларда ўтказиладиган маърифий профилактик тадбирлар» режасига мувофиқ маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Огоҳлик

Вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси, шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда «Боғи сурух», «Беруний», «Наврўз-1», «Намуна», «Янги боғи сурух» маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаоллари, вақтинча ишсиз аёллар, уюшмаган ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда бугунги глобаллашув жараёни ўсиб келаётган ёш авлоднинг онги ва тафаккурига зарарли таъсир кўрсатмаслиги учун огоҳ бўлиш, ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоялаш, диний экстремизм таҳдидидан асрашга эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Тадбир сўнгига «Икки тақдир» видеолангачи намоиш этилди.

Г. ШАХОНОВА

Убайдуллаев Шукрулла Хамидуллаевич номига Берилган Тошкент вилоти, Янгийўл тумани, А. Ортиқов ҚФЙ, Самарқанд кўчаси, 21-уйга тегишли бўлган кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилоти Кишлоқ хўжалиги бошқармаси олий маълумоти, етарли иш тажрибасига эга мутахассисни бош ҳисобчи лавозимига суҳбат-танлов асосида ишга қабул қилади.

Мурожаат учун манзил: Нурафшон шаҳри, Хуррамлик кўчаси, 5-уй.
Тел.: (95) 162-22-42.

Баҳром Ташбековнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Э, қойил, Тасаввур қилинг, ўттиз кишининг юраги бир хилда уриб турса! Сойибжон Ниёзовдан мақом санъати, уни ижро этишининг ўзига хос жиҳатлари ва нима учун бу санъат турига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилдик.

– Мухтарам Президентимиз қадимий ва навқирон Шахрисабз шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманда таъкидланганларидек, мақом санъати асрлар, неча юз йиллар давомида инсон руҳини, унинг дарду армонларини, эзгу-интилишларини юксак пардаларда ифода этиб келаётган бебаҳо бадиий қомус ҳисобланади. Зеро, мақом санъати – Шарқ мумтоз адабиёти, тасвирий санъати, исломий қадриятлар асосида шаклланган. Асрлардан-асрларга, тиллардан-тилларга ўтиб келаётган мумтоз мусиқа оҳанглари ҳар қандай инсонни ўз сеҳрига олишга қодир. Ажабки, унда инсон вужудига жон бахш этгулик қудрат бор. Вилоят мақом марказининг ташкил этилишидан кўзланган мақсад ҳам бу ноёб бойлиқни кўз қорачиғидек асраш, келгуси авлодга безавол етказиш ва дунёга танитишдир. Гарчи ансамблимиз шу йил май ойида ташкил этилган бўлсада, Халқаро мақом санъати анжуманида иштирок этиш асосида фаолиятимизда янги-янги уфқлар очилганига ишонч ҳосил қилдик. Мумтоз мақом санъатини вилотиимиз ахлига кенг намойиш этиш, чуқурроқ ўргатиш мақсадида Паркент тумани, Ангрен, Оҳангарон шаҳарларида хайрия концерлари ташкиллашгандир.

Кувонарлиси, халқимиз мақом йўналишидаги қўшиқларни севиб тинглашининг гувоҳи бўлдик. Бу бизга қанот бағишлади.

Гран при – "Олтин арфа"га сазовор бўлдик. Мақомчиларимиз "Тошкент ироғи", "Сароҳбори наво", "Насруллои", "Соқиномаи савти ушшоқ", "Баёт-3", "Баёт-4" ва бошқа мумтоз қўшиқларни ижро этишганида, бизга жўровоз бўлган турли мамлакатлар санъатсеварларининг ҳайрату ҳаваси, олқишлари юракларимизни ёлқинлантириб юборди. "Санъат миллат танламайди" деганлари шу эканда...

Ҳақиқатан ҳам, ансамбль аъзоларининг ҳар бири ўзига хос – ширали овози билан ажралиб турибди. Уларни турли телекўрсатувларда, вилот, республика миқёсида ўтказиладиган байрам тадбирларида кўп учратганмиз...

– Тўғри, мақомчилар ансамбли қатнашчиларини жиҳдий синовлар, танловлар орқали саралаб олганмиз. Жумладан, хонан-

да Голиб Ҳожиёв "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови голибларидан бири. "Самарқанд ушшоғи", "Сўлим", "Тошкент ироғи"ни ижро этганида юракларни сел қилади. Фахриддин Турсунов ҳам мазкур кўрик-танловнинг республика босқичи

шондан Самандар Собиров, Юқори чирчиқлик Бахтиёр Тоиров, Куйи чирчиқлик Жаъфар Мадаминовлар ҳам мақом сирларини пухта ўзлаштираётган ижрочилардан. Шунингдек, Феруза Рўзиева, Ўзбекистон консерваторияси 4-курс талаба-

бир марта Шахрисабзда Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилиши белгиланган бўлибди, дейди суҳбат якунида вилот мақом маркази директори Сойибжон Ниёзов. – Мазкур қарор биз учун ҳам дастуриламал бўлиши керак. Аввало, болалар қалбида мақом санъатига қизиқиш уйғотиш зарур. Бу борада, мусиқа фани ўқитувчиларидан чуқур билим, касб маҳорати талаб этилади. Зеро, мумтоз мусиқа ва қўшиқнинг сеҳрини яхши англаган ўқувчида мақом оҳанглари юракдан ҳис этиб, ижро қилиш хоҳиши пайдо бўлади. Ўз ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, мақом қўшиқларини болаларга қўйиб бериб, матн ва куй муаллифларини айтиб ўтиш керак. Шунда ёшларимиз, ҳофиз ва бастакорларни таниб боришди. Зеро, санъатни қадрлайдиган, мумтоз мусиқани севадиган инсон фақат эзгуликка мойил бўлади.

Шунингдек, мактабларда ҳам мақом айтувчи ўғил-қизларимизни рағбатлантиришимиз, улар иштирокида турли танловлар ташкил этишимиз керак. Ажаб эмас, улар орасидан ҳам халқ ҳофизлари чиқса. Зеро, кўп ҳолларда ёшларда қизиқиш инсон тақдирини белгилайди-ку, ахир. Шахсан ўзим бахтимни мақомчилик санъати йўлидан топдим. Кўрқ ёшимда – Ўзбекистон халқ ҳофизи унвонига муносиб қўрилдим. Айниқса, 2015 йилда Кореяда ўтказилган мақомчилар фестивалида "World master" – "Дунё устаси" деган унвонга сазовор бўлганимдаги ҳаяжон ва таассуротларимни ҳеч қачон унутмайман. Мақомнинг жаҳоний жазибаси қалбимда бир умр сақланиб қолади.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган суратлар

МАҚОМНИНГ ЖАҲОНИЙ ЖОЗИБАСИ

Гран при – "Олтин арфа"га сазовор бўлдик. Мақомчиларимиз "Тошкент ироғи", "Сароҳбори наво", "Насруллои", "Соқиномаи савти ушшоқ", "Баёт-3", "Баёт-4" ва бошқа мумтоз қўшиқларни ижро этишганида, бизга жўровоз бўлган турли мамлакатлар санъатсеварларининг ҳайрату ҳаваси, олқишлари юракларимизни ёлқинлантириб юборди. "Санъат миллат танламайди" деганлари шу эканда...

Ҳақиқатан ҳам, ансамбль аъзоларининг ҳар бири ўзига хос – ширали овози билан ажралиб турибди. Уларни турли телекўрсатувларда, вилот, республика миқёсида ўтказиладиган байрам тадбирларида кўп учратганмиз...

– Тўғри, мақомчилар ансамбли қатнашчиларини жиҳдий синовлар, танловлар орқали саралаб олганмиз. Жумладан, хонан-



голиби бўлди. Шунингдек, Шерзод Раҳматов, Аббос Гафоров, Рустам Муҳаммадиев, Саёҳат Собирова, Мафтуна Аҳорова-лар "Нихол" ва бошқа муқофотлар совриндорлари. Хуллас, ансамблимиз аъзолари, хонандаю созандагаримиз ўзларини санъатга бағишлаганлар. Кувонарлиси, жамоага келиб қўшилаётган ёш хонандаларга улар бажониди устозлик қилишди. Қибрайлик Ойбек Султонов, Нураф-

си Мафтуна Аҳорова каби ёшлар вилот миқёсидаги тадбирларда иштирок этиб, халқимиз олқишига сазовор бўлишга янада кўтаринкилик бағишляпти.

– Шунингдек, Президентимизнинг "Ўзбекистон миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан ҳар икки йилда

ГЎЗАЛЛИК НАМОЙИШИ

Гўзаллик ва нафосат шайдолари учун куз фаслининг бетакор тухфалари бисёр. Пойтахтимизда жорий йилнинг 21-26 ноябрь кунлари Тошкент модалар ҳафталиги бўлиб ўтади.



"Осиё рамзи" Ўзбекистон Республикаси дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси ташкил этаётган ҳафталик доирасидаги тадбирларга дунёнинг бир неча давлатларидан соҳага оид таниқли мутахассислар, етакчи дизайнер ва экспертлар ташриф буюриши кутилмоқда.

Дастурга биноан Миллий либослар фестивали, Модалар намоиши, ёш дизайнерлар танлови, маҳаллий ва хорижий дизайнерларнинг кўргазмалари чиқишлари, хайрия акцияси каби тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган. Айниқса, хорижий ва маҳаллий дизайнерларнинг "мастер-класс"лари, шунингдек, тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим-кечак кўргазмалари барчада катта таассурот қолдириши аниқ. Шунингдек, Ўзбекистонда илк марта Мода ҳафталиги доирасида Хитой элчихонаси билан биргаликда дизайн ва соҳа бўйича инновацияларга бағишланган "Хитой модаси кўни" ва Халқаро форуми ўтказилади.

Мода ҳафталиги либослар оламида ўзбек мода брендини тарғиб қилиш ва рағбатлантириш, дизайнерларга ўз коллекцияларини намоиш этиш ва томошабинларга замонавий мода аъёналарини баҳолаш имкониятини беради. Мода ҳафталигининг тадбирлари профессионал муҳитни шакллантиришга, глобал мода саноатининг халқаро ҳамкорлик ҳудудини кенгайтиришга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, ушбу модалар ҳафталиги истеъдодли дизайнерлар, хунармандлар ва мутахассисларни юзага чиқаради ва бирлаштиради. Ҳафталик ўзбек либосларининг бегимсол замонавий руҳиди бежиримлиги ва қадимий аъёналарнинг узвийлигини яна бир бор намоиш қилади. Соҳа илосмандлари ва иштирокчилар қизиқари ҳамда қутилмаган, эксклюзив мода дунёси янгиликлари билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Гуландом ТОҒАЕВА,
ЎЗА

Bolalik bog'i

Odobli qizaloq

– Oting nima qizaloq?
– Menmi, tog'a, Lolaman.
– Mayizdan ol, bir hovuch.
– Yo'q, odobli bolaman –
Hovuchingiz kattaroq,
Siz bersangiz olaman...



Qovunxo'rlik

Men va To'lan kuni bilan,
Uyda edik qovun yedik.
Tilib-tilib, mazza qilib.
Dadam yedi Kosa qilib...



Dazmol



– Buvi, nega peshonangiz Ajin bosib tirishgan?
Sababini ayting, yoki Xafamisiz bir ishdan?
Bunga Zebi xolaning Qistay ketdi kulgusi –
Erkatoyim, bu – ajin, Qariganlik belgisi...
– Haligi-chi, – deb Akmal So'zin bayon etadi, –
Dazmol bosib olsangiz Tekis bo'lib ketadi...

Tursunboy ADASHBOEV

Бошлиғимиз гапини, одатига кўра, ваъз айтишдан бошлади. Баҳорда мушук нега мов бўлишини, эркаклар нимага камар боғлаб юришини обдон тушутиргач, муддаога ўтди:

– Ана энди ёзамиз. Шефдан шундай топшириқ бўлди. Демак, 1 сентябрдан куз ойи бошланади, деб ҳисоблансин. Биринчи март баҳорнинг бошланиси, 21 мартни шеф Наврўз кuni, деб белгиландилар. Буни ҳеч ким ўзгар-

тиролмайди, чунки бу – шефнинг буйруқлари. Ёзилдими? Энди иккинчи

Қанотли ТУЯ



масала. Шефнинг айтишларига қараганда, кўпинча биз вилот марказларини



«Китобхон» зирафуруш

"Фейсбук" юлдузи Дима Қаюмининг навбатдаги китоби тақдироти бўлиб ўтди. Унда сўз олган машҳур зирафуруш Анзират хола муаллифга ижодий зафарлар тилар экан, ноширларга ғалати бир тақлиф билан чиқди. Унга кўра, китоб varaқларини 15х15 сантиметр ҳажмда чоп этиш зира ўраш учун жуда қулай экан...

Хотин сўзи

Эру хотин ўртасидаги тортишувда ҳамиша охири сўзни хотин айтиди, ундан кейин эр томонидан айтилган ҳар қандай сўз янги жанжалнинг боши ҳисобланади...

Қўрқув

Қўшни аёл эрига шунақанги бақирдики, қўрқиб кетганимдан мен ҳам ўрнимдан туриб, хонам полларини артиб, кирларни юва бошладим...

Чин изҳор

– Дадаси, нима сабабдан тўйдан олдин менга банкрот бўлганингизни айтмадингиз?



"Файзибоғ" табассуми

– Сенга миллион марта айтганман-ку, менинг бу дунёда сендан бошқа ҳеч нарсам йўқ, деб...

Қиш келганда...

– Дима, қишлоқда қиш келганини қаердан билса бўлади?
– Аёллар "товус жемпери"ни кийганидан!

Илтижо

Эй худойим, мени шундай катта маош билан жазолагинки, уни нимага ишлатишни билмай қийналай!

Хўрознинг ташвиши

Шаҳарга иш билан келган хўроз "грилл"да пишаётган товукларни кўриб танбех берди:

– Қишлоқда тухум қамайиб, ҳар донасининг нархи 700 сўмга чиққан бир пайтда, сен нойнсофлар карусел учиб юрганингда ўлайми?!

Дима ҚАЮМ

Мисрда саёҳат қилиб юрган машҳур шоҳмат юлдузи Карповга шу ерлик бир дўкандор папирус дарахтидан тайёрланган "ёзув қоғози"ни мақтаб, сотиб олишга қистайди.

Аслида мақталаётган ма-

Дарвоқе

Бу анча кучли далил эди ва Карпов чўнтагини кавлашга тушади.

Аммо... охири дақиқада шоҳмат тождорининг кўзи

Тил билмаса қийин...

тоҳ шунчаки банан пўстлогидан тайёрланган бўлиб, бир ҳафтадаёқ чириб кетарди. Карпов буни билмасди, аммо ички бир сезги билан фирромлиқни пайқаб турар ва папирусни сотиб олишга иккиланар эди.

Шунда мисрлик тужжор меҳмонни ишонтириш учун неча-неча хорижий сайёҳлар дўкандорнинг пештахтасидан эсдалик харид қилиб, шикоят ва тақлифлар дафтарига ўз фикрларини ёзиб қолдирганини айтиб, мақтаниб қолади.



дафтардаги рус сайёҳи ёзган бир ёзувга тушиб қолади. Унда шундай ёзилган экан: "Бу одамдан ҳеч нарсаси сотиб олмаган, у қипқизил қалбоқ..."

Шундай қилиб, номаълум ватандоши Карповни беҳуда пул сарфлашдан қутқариб қолган экан.



Rais Buva

– Овқатга кечаги гўшдан озгина солиб қўйинг. Болалар кўп гўшт ейишса семирб кетишади...

БОРЧА ОШХОНАСИ



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ	Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. 11 031 нусхада чоп этилди	Телефонлар: Қабулхона: 71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс) Бош муҳаррир ўринбосари: 71 233-70-10 Масъул котиб: 71 233-55-38 Бўлим муҳаррирлари: 71 233-38-23, 71 233-48-08 Шарҳнома ва эълонлар: 71 233-65-59 Ҳисоб-китоб бўлими: 71 233-54-10	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва сақланган.	Навбатчи муҳаррир Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Назоратчи мусаввиф Аллома АЗИЗОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ
---	--	---	---	--	--

Манзил: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почталар: thaqiqat@uam.uz; th-tp@mail.ru Буюртма V-2647. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қороз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.30.